

5



«Тасдиқлайман»  
«Taxiatosh IES» АЖ нинг  
Техник директори  
М.О.Нурымбетов  
2022 йил

**Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун  
ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ**

*Тахиаташ – 2022 йил*

**Танлов ҳужжатларининг мазмуни:**

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
- II. Техник қисм
- III. Нархлар қисми

# Танлов иштирокчиси учун йўриқнома

## 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙҚИЙМАТИ

- 1.1. Танлов предмети “Тахиаташ ИЭС”АЖнинг “2-ҚТЦ, ҚЦ бак ва филтрларини коррозияга қарши қоплама билан қоплаш, 7,8-сонли энергоблокларни иссиқлик изоляцияси”
- 1.2. Бажариладиган иш турлари техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмида илова қилинади.  
Ушбу танлов якунлари бўйича ҳолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.
- 1.3. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб тасдиқланган таъмир графиги асосида йил давомида 2023 йил 31 декабрга қадар.
- 1.4. Ишларни бошлаш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

## 2.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

2.1.“Taxiatosh IES”(бундан кейин – “Буюртмачи” деб аталади) – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

**“Буюртмачи” манзили:** Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси, Тахиаташ тумани, 1-сонли почта бўлиси, «Taxiatosh IES» АЖ.

2.2.Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3.Танлов «Taxiatosh IES» АЖ“Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

## 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1.Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2.Танловда иштирок этиши учун талабгарларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

- Ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;
- Танлов объектига ўхшаш объектларга ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;
- Шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик – муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;
- Ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;
- Керакли транспорт ва асбобларнинг мавжудлиги

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаш зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4.Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнида иштирок этиш рухсат берилмайди:

- Қайта ташкил этиш (ажратилиш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;

- Мол-мулки мусодара килинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

#### **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

- 4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда порталга электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.
- 4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.
- 4.3. Танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:
  - Техник қисм “Буюртмачи” томонидан қуйидаги техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
  - Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўлов талаблари ва якуний тўловлар, ҳамда бошқа кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак
- 4.4. Қуйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:  
Техник талабларбўйича қуйидаги таклифлар:
  - Техник таклиф, корхона бланкасида имзоланган“ПДФ” формат шаклида, бетлари рақамланган ҳолда;
  - Техник ҳужжатлар рўйхати (техник паспорт ёки ёхшаш ҳужжатлар рўйхати илова қилинади);
- 4.5. Танлов иштирокчиси : - ФАҚАТ БИТТА таклиф бериши мумкин;
- 4.6. Тақдим этиладиган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларининг ҳаққонийлигига ўзи жавобгар бўлади.
- 4.7. Таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

#### **5.ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ**

- 5.1.Таклифлар муддати узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.
- 5.2.Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

#### **6.ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

- 6.1.Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.
- 6.2.Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдирлар.
- 6.3.Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилганидансўнгра қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

#### **7.БОШҚА ШАРТЛАР**

- 7.1.Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугаган санадан қамадан уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Танловни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш

тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартириш киритилади.

- 7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки иш куни олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориш шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.
- 7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда, ундан олдин олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.
- 7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни такдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундан сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни такдим этиши шарт.
- 7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

Тузди:

ТДТБЎ

ТТЎБ бошлиғи

2-ҚТЦ бошлиғи

КЦ бошлиғи



Халиков С.Ю

Алимбаев К.А.

Бекимбетов А.

Бабажанова З.